

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 27 апрель

Ромитан тумани

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судяси Х.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси Н.Рашидов котиблигида, аризаچининг (2023 йил 27 апрелдаги 25-03234-ишончнома билан) вакили Ф.Фатуллаевлар иштирокида, ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Мажбурий ижро бюроси Ромитан тумани бўлимини жалб этган ҳолда, аризачи – Ромитан туман давлат солиқ инспекциясининг, қарздор – "АВВОС ХОЛИҚ АЗИЗБЕК ҲЕРИ" фермер хўжалигини тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

аризачи – Ромитан туман давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор - "АВВОС ХОЛИҚ АЗИЗБЕК ҲЕРИ" фермер хўжалиги (бундан буён матнда “қарздор” деб юритилади)ни тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, қарздор 2014 йил 23 апрелда туман Давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтган.

Қарздорнинг бугунги кун ҳолатида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги 49.805.907,34 сўмни ташкил этган.

Қарздорнинг солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарзини мол-мулкига қаратиш тўғрисида иқтисодий судининг ижро ҳужжатлари чиқарилиб, ижрога қаратилган. Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан мол-мулки ва даромад манбаи мавжуд эмаслиги сабабли ижро этилмасдан қайтарилган ва бу ҳақда қарор қабул қилинган.

Шунингдек, Бухоро вилоят “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати”, Давлат кадастрлар палатасининг Бухоро вилоят бошқармаси, Бухоро вилоят Ички Ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг, Агросаноат Мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Бухоро вилоят бошқармасининг, “Бухоро Вақт” масъулияти чекланган жамиятининг, “Ўзагросуғурта” АЖ Бухоро вилоят филиали, хизмат кўрсатувчи банкининг маълумотномаларига асосан юридик шахс номига мол-мулк ёки бошқа мулк тусдаги объектлар аниқланмаганлиги маълум қилинган.

Суднинг 2023 йил 10 апрелдаги ажрими билан ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Мажбурий ижро бюроси Ромитан тумани бўлими жалб этилган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили кредиторлик қарздорликларни қоплаш учун мол-мулклари йўқлигини, қарздорнинг бугунги кун ҳолатида бюджет ва бюджетдан ташқари бўлган



жамғармалардан солиқ қарзи мавжудлигини билдириб, содалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган МИБ Ромитан тумани бюроси ва қарздор вакиллари иштирок этишмади. Ариза юзасидан фикр билдиришмади. Ишни ўзларининг вакиллари иштирокисиз кўриш ҳақида ариза тақдим этмади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини қўллаб ишни қарздор ва бюро вакиллари иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини эшитиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини инобатга олиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантириб, қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топишни ва тугатишга доир иш очишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг (бундан буён матнда “Қонун” деб юритилади) 5-моддасига кўра қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 3 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг тўловга қобилиятсизлик аломатлари деб эътироф этилади.

Қонун 241-моддасига кўра ўз фаолиятини тугатган қарздор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин.

Солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарз жавобгарнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли тўланмасдан келган. Демак, қарздорни банкрот деб эътироф этиш учун асослар мавжуд.

Давлат Активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг хати билан мазкур ишга тугатиш бошқарувчиси сифатида суд бошқарувчиси Жумаев Отабек Мамуровичнинг номзоди тавсия қилинган ва суд бошқарувчи аттестатини илова қилган.

Тугатиш бошқарувчилигига О.Жумаевни тайинлашга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли уни тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарорига илова “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари”нинг 3-бандига кўра, суд бошқарувчиси, ўзи тайинланган вақтдан бошлаб, мазкур Қоидаларда назарда тутилган сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда чоралар кўриши шарт.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини, қарздор мол-мулкининг ҳолатини, тўловга қобиллигини тиклаш имкониятларини ўрганиб чиқиб,



тарафлар вакилларининг кўрсатмасини тинглаб, қарздорда ночорликнинг белгилари мавжудлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни, қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топишни, тугатишга доир иш юритишни бошлашни, тугатиш бошқарувчисига қонун билан белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажариш юзасидан кўрсатма беришни ва суд харажатларини қарздор ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112,114,170,176-179,210-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 5,241,242-моддаларига асосланиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

1. Ариза қаноатлантирилсин.

2. "ABBOS XOLIQ AZIZBEK YERI" фермер хўжалиги банкрот деб топилсин ва унга тугатишга доир иш юритиш очилсин.

Тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчи О.Жумаев тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчисига:

- тугатиш ишларини “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб бориш;

- қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги тўғрисида расмий матбуотда 3 кун ичида эълон бериш, мол-мулкларини қидириш, молия ва бухгалтерия ҳужжатларини қабул қилиб олиш, кредиторлар реестрини юритиш ва ҳқ;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарорига мувофиқ бир ой муддат ичида қарздор фаолияти бўйича сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича хулоса тақдим этиш;

- ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси жума кунда Ромитан туманлараро иқтисодий судига жорий ҳисоботларни тақдим этиб бориш, 2 ой муддат ичида тугатиш ишларини якунлаш ва якуний ҳисоботни тақдим этиш юклатилсин.

Тугатиш ишларини олиб бориш жараёнида қонунни бузиш ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

"ABBOS XOLIQ AZIZBEK YERI" фермер хўжалигидан тугатиш бошқарувчиси орқали:

- Республика бюджети ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига 900.000 сўм давлат божи;

- Ромитан туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида Ромитан туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция шикояти бериш (протест келтириш) га ҳақли.

Судья

Х.Абдуллаев



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 27 апрель

Ромитан тумани

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судяси Х.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси Н.Рашидов котиблигида, аризачининг (2023 йил 27 апрелдаги 25-03234-ишончнома билан) вакили Ф.Фатуллаевлар иштирокида, ишга мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Мажбурий ижро бюроси Ромитан тумани бўлимини жалб этган ҳолда, аризачи – Ромитан туман давлат солиқ инспекциясининг, қарздор – "АВВОС ХОЛИҚ АЗИЗБЕК ЎЕРИ" фермер хўжалигини тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб,

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112,114,170,176-179,210-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 5,241,242-моддаларига асосланиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

1. Ариза қаноатлантирилсин.
2. "АВВОС ХОЛИҚ АЗИЗБЕК ЎЕРИ" фермер хўжалиги банкрот деб топилсин ва унга тугатишга доир иш юритиш очилсин.
Тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчи О.Жумаев тайинлансин.
Тугатиш бошқарувчисига:
 - тугатиш ишларини "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб бориш;
 - қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги тўғрисида расмий матбуотда 3 кун ичида эълон бериш, мол-мулкларини қидириш, молия ва бухгалтерия ҳужжатларини қабул қилиб олиш, кредиторлар реестрини юритиш ва ҳқ;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарорига мувофиқ бир ой муддат ичида қарздор фаолияти бўйича сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича хулоса тақдим этиш;
 - ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси жума кунда Ромитан туманлараро иқтисодий судига жорий ҳисоботларни тақдим этиб бориш, 2 ой муддат ичида тугатиш ишларини якунлаш ва якуний ҳисоботни тақдим этиш юклатилсин.



Тугатиш ишларини олиб бориш жараёнида қонунни бузиш ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

"ABBOS XOLIQ AZIZBEK YERI" фермер хўжалигидан тугатиш бошқарувчиси орқали:

- Республика бюджети ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига 900.000 сўм давлат божи;

- Ромитан туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида Ромитан туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция шикоятни бериш (протест келтириш) га ҳақли.

Судья

Х.Абдуллаев

